

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил май ойининг 23 куни, жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси К.Ахмадалиев, судья ёрдамчиси Ш.Мехмановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Хўжаобод туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Турғунбоев, судланувчи А.Содиков ва унинг ҳимоячиси Андижон шаҳар “ADOLAT” адвокатлик бюроси адвокати А.Абдураимов иштирокида, Содиков Авазбек Мухтаржоновичга нисбатан 1-1715-2501/104-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Содиков Авазбек Мухтаржонович (Sodikov Avazbek Muxtarjonovich), 1976 йил 22 февралда Жалақудуқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 7 нафар фарзанди бор, депутат эмас, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, Жалақудуқ тумани, Тўрачеки МФЙ, Тўрачеки кўчаси, 12-уйда яшайди, иш бўйича 2025 йил 9 апрелда муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 28 апрелда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланганлар.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга ҳолисона баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Содиков, 2025 йил 08 март куни бошқарувидаги “Кобалт” русумли 60Z126NA давлат белгили автомашинасида киракашлик қилиш мақсадида Тошкент шаҳрининг водий йўналишига қатновчи автомашиналар турадиган “Қўйлиқ” даҳасига бориб, у ердан икки нафар дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган фуқароларни 300.000 сўм эвазига Хўжаобод туманига олиб келишучун чиқариб, йўлда келишаётганида автомашинасидаги икки нафар нотаниш йўловчиларни чет эл валюта қимматликларини қўшни Қирғиз Республикасига божхона назоратидан яширган ҳолда олиб



чиқиш илинжида юрганини эшитиб, уларга яшаш хонадони “Дўстлик” чегара божхона пости яқинида эканини, Ўзбекистондан Қирғизистонга мунтазам равишда оддий телефон аппаратларини ҳеч кимга билдирмасдан кийимлари орасига яшириб олиб чиқиб сотиб келишини, агар чет эл валюта қимматликларини чет давлатга олиб чиқиш юзасидан келишиб қолишса, иккала тиззасининг пастки қисмига скотчлаб боғлаб, устидан кенгроқ шим кийиб, олиб ўтиб беришини билдириб, уларда 60.000 АҚШ доллари ҳамда 2.995.000 Россия рубли борлигини билиб, уларга эртаси 2025 йил 9 март куни эрта тонгда “Дўстлик” чегара божхона постининг “автостоянка”сида кўришишларини ва пулларни тегишли рухсатномасиз, декларацияламасдан, божхона назоратидан яшириб, Ўзбекистон Республикасидан Қирғиз Республикасига “Дўстлик” чегара божхона пости орқали, маълум ҳақ эвазига олиб ўтиб беришни айтиб, 2025 йил 9 март куни соат 09 ларда “Дўстлик” чегара божхона пости ёнида икки нафар жиний шериклари билан кўришиб, улардан пулларни қабул қилиб, АҚШ долларини 4 дона ўрамга, Россия рублини эса 5 дона ўрамларга солиб, хуфядонга яшириб иккала оёқ тиззалари пастки қисмига яшириб жойлаб, соат 10 ларда божхона назорати зонасига постнинг «чиқиш-пиёда» йўналиши орқали ҳаракатланиб кирганида, божхона ходимларининг сўрови ва валюта қимматликларини ўтказиш тартиби тушунтириб ўтилишига қарамасдан, божхона қоидаларига амал қилмасдан, уларни қасддан бузиб, ёнида валюта қимматликлари йўқлигини айтганида, ходимлар томонидан холислар иштирокида шахсий кўриқдан ўтказилганида, божхона ходимининг оғзаки сўровида маълум қилинмаган ва декларацияланмаган 4 дона ўрамларда жами 60.000 АҚШ доллари ҳамда 5 дона ўрамларда жойлашган жами 2.995.000 Россия рубли борлиги маълум бўлиб, баённома асосида вақтинча сақловга олинган.

Судланувчи А.Содиков суд мажлисида айбига иқдор бўлиб, 2025 йил 07 март куни телефон сотиб олиш учун “Кобалт” русумли автомашинасида Тошкент шаҳрига борганини, сўнг Андижонга йўловчи олиб кетиш мақсадида “Кўйлик” даҳасига бориб, у ердан икки нафари эркак ва бир нафар аёлни олиб, қайтиб келаётганида эркаклар билан ўзаро гаплашиб, уларга “Дўстлик” чегара божхона пости орқали Қирғизистонга чиқиб телефон сотиб келишини айтганида, ушбу шахслар чет эл валюта пуллари борлигини, ушбу пулларни Қирғизистонга олиб ўтиб беришини сўрашганида, неча пуллини сўраганида, 50.000 АҚШ доллари ва Россия рубллари борлигини айтишганини, улар пулларни олиб ўтиб берса 150 АҚШ доллари беришларини айтишганида рози бўлганини, уларга Қирғизистонга телефонни тиззасини пастки қисмига боғлаб ўтишини айтганида, улар пулни ҳам шу зайлда олиб ўтиб беришини айтишганини, сўнг уларни



“Дўстлик” божхона пости олдида қолдирганида, улар телефон рақамини ёзиб олишганини, эртаси 2025 йил 9 март куни Қирғизистонга 20 дона телефонларни олиб чиқиб сотиб келмоқчи бўлиб, “Дўстлик” чегара божхона пости олдида борганида, Тошкентдан олиб келган шахслар кўнғироқ қилиб, сўнг олдида келишиб, чет эл валюта қимматликларини беришиб, Қирғизистонга олиб ўтиб беришини, Қирғизистонда Икром исмли шахс кутиб олишини билдиришиб, уни телефон рақамини ёзиб беришганида, қора рангли целофан пакетдаги пулларни олиб, автомашина салонидан пулларни иккала оёғини тиззасидан пастки қисмига скотчлаб шимини тушириб юриб кўриб, биров кўрмаслигига ишонч хосил қилгач пиёда ҳаракатланиб “Дўстлик” чегара божхона постининг “чиқиш-пиёда” йўлаги орқали божхона назорати зонасига кирганида, божхона ходими ёнида тақиқланган нарса ва буюмлар бор ёки йўқлигини сўраганида йўқлигини маълум қилгач, улар ўзидан шубхаланишаётганини айтиб, икки нафар холислар билан шахсий кўриқдан ўтказишганида, иккала оёқ тиззалари пастки қисмига махсус хуфядонга яшириб жойланган, божхона ходимининг оғзаки сўровида маълум қилинмаган ва декларацияланмаган 4 дона ўрамларда жами 60.000 АҚШ доллари ҳамда 5 дона ўрамларда жойлашган жами 2.995.000 Россия рубли борлиги аниқланиб, баённома асосида ҳужжатлаштириб олинганини, божхона постидан 100 млн сўмдан ортиқ чет эл валюта пулларини декларациядан ўтказиш жиноят эканини билишини, қилмишидан пушаймонлигини, қарамоғида 7 нафар фарзандлари борлигини билдириб, суддан ўзига нисбатан енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Н.Мансуров видеоконференцалоқа тизими орқали суд мажлисида, “Дўстлик” божхона пости катта инспектори вазифасида ишлаб келишини, 2025 йил 09 март куни соат 10 ларда божхона постининг “чиқиш пиёда” йўлаги орқали А.Содиқов ҳаракатланиб келиб, иккала оёқ тиззасининг пастки қисми ишиб ҳамда уни ўзини ташқи кўриниши, ўзини тутиши бошқача бўлгани сабабли ундан шубхаланиб, тўхатиб, ёнида тақиқланган нарса ва буюмлар бор ёки йўқлигини сўраганида, у ёнида ҳеч қандай тақиқланган нарса ва буюмлари йўқлигини айтгани, сўнг икки нафар холисларни жалб қилиб, А.Содиқовни ёнини кўздан кечирганида, иккала тиззасини пастки қисмига яширилган ҳолатдаги 4 дона ўрамларда жами 60.000 АҚШ доллари ҳамда 5 дона ўрамларда жойлашган жами 2.995.000 Россия рубли борлиги аниқланиб, ушбу хорийжий валюта қимматликлари баённома асосида ҳужжатлаштириб олингани, ундан ушбу пулларни қердан олгани ва кимга тегишли эканини сўраганида, у ушбу пуллар унга тегишли эмаслигини, нотаниш бўлган шахс ҳақ эвазига Қирғизистонга олиб чиқиб беришни илтимос қилгани сабабли



рози бўлиб, ушбу пулларни божхона назоратидан яшириб ўтказаетганини билдиргани ҳақида кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари, судланувчи А.Содиқовни жиноятни содир қилганликдаги айби, унинг дастлабки терговда ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатуви, жиноят ишидаги билдирги, кўздан кечириш ва олиб қўйиш, видеокузатув камераларни кўздан кечириш ва иш учун ахамиятли бўлган қисмини олиш қўйиш ҳақидаги, аниқланган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги, маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённомалар ва уларга илова қилинган фотожадваллар, АТБ “Саноат қурилиш банки”нинг валюта қимматликларини қалбакилигини аниқлаш юзасидан маълумотнома, судга оид техник тадқиқот экспертизаси хулосаси, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, тушунтириш хатлар ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа ишончли ва мақбул далиллар мажмуи билан исботланган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори 5-бандининг 2-хатбошида “Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”, деб берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчини қилмишини квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Содиқовни божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиб, жуда кўп миқдордаги чет эл валютасини божхона назоратидан четлаб, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказишда ифодаланган хатти-ҳаракатлари ЖК 182-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбининг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ҳусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини ҳамда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши, Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши,



жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи А.Содиқовга жазо тайинлашда, уни тури ва меъёрини белгилаш масаласини муҳокама қилиб, ЖК 55-моддасига асосан, унинг айбига тўла иқрорлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилали бўлиб қарамоғида 7 нафар фарзанди борлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖК 56-моддасига асосан, ғаразли ва бошқа паст ниятларда жиноят содир этишини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этиб, у айбли деб топилаётган қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси тартибида ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Андижон БХО сақланаётган 60.000 АҚШ доллари ва 2.995.000 Россия рубли валюта қимматликларини давлат даромадига мусодара қилишни;

ашёвий далил деб эътироф этилган, видеотасвирлар туширилган 1 дона “DVD” русумли дискни жиноят ишида бирга сақлашни, А.Содиқов номига расмийлаштирилган хорижга чиқиш биометрик паспорти ва шахс гувоҳномасини унинг ўзига қайтаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Содиқов Авазбек Мухтаржонович (Sodikov Avazbek Muxtarjonovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

А.Содиқовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати А.Содиқов жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин, ижросини таъминлаш Жалақудуқ туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

А.Собировга қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далиллар, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Андижон БХО сақланаётган 60.000 (олтмиш минг) АҚШ доллари ва 2.995.000 (икки



миллион тўққиз юз тўқсон беш минг) Россия рубли валюта қимматликлари давлат даромадига мусодара қилинсин.

Ашёвий далиллар, видеотасвирлар туширилган бир дона “DVD” русумли диск жиноят иши билан бирга сақлансин, А.Содиков номига расмийлаштирилган хорижга чиқиш биометрик паспорти ва шахс гувоҳномаси унинг ўзига қайтарилсин.

Хукмдан норози тарафлар хукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи хукм нусҳасини олган кундан эътиборан 10 сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судига апелляция тартибида, хукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

К.Ахмадалиев

